# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 4 сентябрь, № 174 (5848) Чоршанба


**Қашқадарё вилояти:**

# ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ




*Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа очиб, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси, эркин ва фаровон ҳаётимиз кўзгуси, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида муҳрланиб қолмоқда. Зеро, Истиқлол туфайли дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Насафий, Кешний каби алломалар яшаган муқаддас замин, Соҳибқирон Амир Темур юрти — Қашқадарё, таъбир жоиз бўлса, қайта туғилди. Воҳанинг ҳар бир гўшаси обод бўлиб, аҳоли турмуш даражаси юксак поғоналарга кўтарилмоқда. Айниқса, энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг 22 йиллигида вилоят тараққиётида яна бир янги довон забт этилаётгани қувонарлидир.*



ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ





*Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида сўз кетганда, воҳанинг қайноққалб аҳолиси унинг замирида мустақиллик берган беқиёс имкониятлар, давлатимиз раҳбари томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилаётган эътибор мужассам эканлигини ғурур билан тилга олади. Чиндан ҳам, илгари, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолган воҳа ўтган қисқа давр ичида йирик саноат марказларидан бирига айланди.*

**Иқтисодиётнинг “жон томир”лари**

Мустақиллик Буюк Ипак йўли марказида жойлашган диёримизга дунё бозорига олиб чиқадиган янги йўллар очиш, чет мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт-коммуникация тармоқларини барпо этишдек улкан неъматни туҳфа қилди. Натижада иқтисодиётнинг “қон томири”га қиёсланадиган темир йўл тизимида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. “Аср мўъжизаси” номини олган “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўлининг қисқа фурсатларда барпо этилгани шундай дейишимизга асос бўлади.

Ҳисор тоғ тизмалари узра денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда ётқизилган пўлат излар ҳудудларни юртимизнинг бошқа манзиллари ва қўшни мамлакатлар билан боғлаш билан бирга, жойларга ўзи билан тараққиётни ҳам олиб борди, десак, муболаға бўлмайди. Негаки, асрлар давомида мудраб ётган тоғларни кесиб ўтган бу йўл орқали ер ости минерал ресурслари, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ҳамда калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар эшиги кенгроқ очилди. Хориж инвестицияси иштирокидаги Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишга туширилиши бунинг ёрқин далилидир.


(Давоми 4-бетда).


## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Андижон шаҳрида ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари теннис мактаби фойдаланишга топширилди.*

### Замонавий теннис мактаби

Бунинг учун Болалар спортини ривожлатириш жамғармаси томонидан ажратилган 1 миллиард 846 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозир бу ердан сауна, душ, тиббиёт хонаси ўрин олган бўлиб, очиқ ва ёпиқ кортларда 250 нафар ўқувчининг теннис билан мунтазам шуғулланиши учун барча имконият яратилган.

Теннис мактабининг очилиш маросими ёш теннисчиларнинг вилоят биринчилиги беллашувларига уланиб кетди. Унда қизлар ўртасида андижонлик Гулноза Одилова, йигитлардан эса Марҳамат туманилик Сардорбек Эргашев биринчи ўринни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида Андижон шаҳар вакиллари ғолиб чиқди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов сўзга чиқди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Намангандаги “Nafis Charm” масъулияти чекланган жамиятида хорижий инвестиция иштирокида 30 га яқин турдаги бўялган тери маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди.*

### Илғор технология шарофати

Лойиҳа ташаббускорлари янгиликни жорий этишга 800 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфладилар. Табиий терига ишлов беришда юқори сифатли кимёвий моддадан фойдаланилаётир. Ўрнатилган илғор технологиялар эса йилига 12 миллион квадрат дециметр ҳажмдаги маҳсулот тайёрлаш имконини яратди. Айни пайтда корхонанинг 40 кишидан иборат меҳнат жамоаси ички бозорга рақобатбардош чарм маҳсулотларини етказиб бермоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Бойсун туманилик тадбиркор Баҳодир Хурсанов ташаббуси билан “Жийдали Бойсун” масъулияти чекланган жамиятида пластмассадан турли уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш цехи фаолият бошлади.*

### Тадбиркор ташаббуси

Бу борада унга молия муассасаси яқиндан кўмак берди.

— Янги маҳсулотларимиз қисқа фурсатда ички бозорда ўз ўрнини топиб улгурди, — дейди тадбиркор. — Пировардида иқтисодий жиҳатдан ўзимизни тиклаб олдик. Энди 70 минг 500 АҚШ долларилик маблағ эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишга мўлжалланган идишлар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун хориждан термопласт технологиясини олиб келиш чораларини кўраяпмиз. Лойиҳамиз амалга ошиши билан 15 та қўшимча иш ўрни яратилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Марғилон шаҳридаги “Грант Кибо” хусусий корхонаси фаолият бошлаганига бир йил бўлди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган 10 турдаги болалар пойабзалларига талаб ортиб бораяпти.*

### Болалар учун махсус пойабзаллар

Корхона тадбиркорлари яқинда яна бир истиқболли лойиҳани рўёбга чиқарди. Бунинг учун хориждан илғор дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Натижада “Грант Кибо” ёрлиғи билан болалар ортопедик оёқ кийимлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, айни пайтда Марғилон шаҳрида 8 та қўшма ва хорижий корхона фаолият кўрсатмоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Хонқа туманининг Қорақош қишлоғида яна бир оилавий корхона фаолият бошлади.*

### Оилавий бизнесга кредитлар

Тадбиркор Шерзод Болтаев ташаббуси билан ташкил этилган ушбу корхонада қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар учун замонавий эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Оилавий тадбиркорларга берилган имтиёз ва енгилликлар бизнесимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Ш. Болтаев. — Тез орада фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштираяпмиз.

Эътиборлиси, вилоятда жорий йил бошидан буён 657 та оилавий бизнес субъектига тижорат банклари томонидан 4 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯХШИ ХАБАР

*Жиззах шаҳрида лойиҳа қиймати 47 миллион АҚШ долларига тенг бўлган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Жиззах пластекс” қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.*

### Йирик корхона ишга тушди

— Корхонамиз 2010 йилда Жиззах шаҳридаги собиқ пайпоқ тўқув фабрикасининг бўш турган биноси негизида ташкил этилди, — дейди қўшма корхона раҳбари Асқар Иноғомов. — Уч йил давомида бино-иншоотлар қурилиши ва реконструкцияси ҳамда муҳандислик инфратузилмаси учун 16 миллион доллар йўналтирилди. 31 миллион долларга Германиянинг “Тручлер”, “Орликон”, “Террот”, Италиянинг “Марцоли”, Швейцариянинг “Устер” компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори технологик дастгоҳлар сотиб олдик. Бунда, айниқса, банкнинг 21 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити 2 йиллик имтиёз билан 9 йил муддатга берилгани жуда қўл келди.

Корхонанинг биринчи навбати ишга туширилиши натижасида йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ўзлаштирилиб, 8,5 минг тонна калава ип ва 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Натижада мингга яқин иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш керакки, келаси йили корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилгач, йилига 4 минг тонна трикотаж матони бўяш ва унга ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, яна 700 та қўшимча иш ўрни яратилади.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тинчлигимиз ва осойишталигимиз кафолати

*Вақт ўтиши билан инсон узоқ ва яқин ўтмишда рўй берган айрим воқеа-ҳодисаларни унутиб юбориши мумкин. Бу табиий ҳол. Аммо одамнинг қалбига, онгу шуурига муҳрланиб қолган шундай кунлар, даврлар бўладики, улар ҳеч қачон хотирадан кўтарилмайди. Президентимизнинг халқимиз тинчлиги, осойишталиги, фаровон келажагини ўйлаб ўз вақтида миллий армиямизни барпо этишга қаратган эътибори, бу йўлда олиб борган оқилона сиёсати, ислоҳотлари ана шундай унутилмас воқеалар сирасига киради.*

**ИФТИХОР**

Шу боис ҳам биз истиқлолга эришишимиз тарихи ҳақида гапирганда, унинг узвий бир қисми сифатида Қуролли Кучларимизни ташкил қилиш жараёнини ҳам алоҳида ёдга оламиз.

Мустақиллик остонасидаги ўша оғир, тасаввур этиш қийин бўлган мураккаб, таҳликали вазиятда Юртбошимиз кўрсатган жасорат, қатъиятни, айниқса, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшларимиз кўпроқ билиши, ўрганиши лозим. Чунки бугунги дориламон кунлар, ўғил-қизларимизга яратиб берилаётган беқиёс шароитлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани ёки осмондан тушгани йўқ. Такрор бўлса-да, айтиш мумкинки, бунинг замирида улкан меҳнат ва машаққат ётибди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармони билан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилган эди. Кейинчалик у Мудофаа вазирлигига айлантирилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида ўта муҳим бир тадбирга қўл урилди — республика Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Президентимиз ташаббусига асосан қабул қилинган мазкур ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди.

Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг жиддий муаммолардан бири, бу — кадрлар масаласи эди. Эътибор беринг, 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ҳарбий таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти етарли, “шу азиз Ватан меники, уни кўз қорачиғимдек асраб-авайлайман, керак бўлса, ҳатто жонимни фидо қилишга ҳам тайёрман”, деган аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур фарзандларимизни тайёрлашга киришилди. Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетидан худди шундай кадрлар етишиб чиқмоқда. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси очилди.


(Давоми 2-бетда).


**Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**3,4**

**триллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.**

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳажмининг бундай оширилишига тижорат банклари ресурс базасининг кўпайтирилгани ва инвестициявий фаоллиги кучайтирилгани ҳисобига эришилди.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Бундан ўн уч йил муқаддам АҚШнинг "Verizon Communication" корпорацияси Буюк Британиянинг "Vodafone" компанияси билан биргаликда "Verizon Wireless" телекоммуникация корхонасини ташкил этган эди.*

### Йирик савдо амалга ошди

Сўнгги кунларда "Vodafone" ўзига тегишли бўлган улушни сотиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқатилаётганди. Ниҳоят, ана шу савдо амалга ошди. Яъни "Verizon Communication" 130 миллиард доллар эвазига европалик ҳамкоридан "Verizon Wireless"нинг 45 фоиз акциясини харид қилди. Экспертларнинг изоҳлашича, бу охирги ўн йилликдаги энг йирик олди-сотди шартномаси бўлди.

### Мижозлардан узр сўради

*Япониянинг "Kanebo Cosmetics" компанияси инсон терисини оқартиришга мўлжалланган косметика воситасини барча савдо дўконларидан қайтариб олишга киришди.*

Чунки ҳозиргача врач-дерматологлар ушбу турдаги маҳсулотдан фойдаланган 8600 нафардан ортиқ кишининг терисида турли салбий ҳолатларни аниқлашган. Компания президенти Масуми Нацусака юзага келган нохуш вазият учун мижозлардан узр сўради ва тез орада муаммо бартараф этилишини таъкидлади.

Маълумотларга кўра, "Kanebo Cosmetics" маҳсулотлари мамлакат ҳудудидаги 15 мингта катта-кичик савдо шохобчасида сотилади. Шунингдек, айрим косметика воситалари экспортга ҳам чиқарилади.

### Пасайиш камайганда...

*Испания иқтисодий инқироздан аввал тахмин қилинганидан кўра тезроқ чиқмоқда, дейилади "Евроньюс" телеканали тарқатган хабарда.*

Гап шундаки, жорий йилнинг дастлабки уч ойида бу ерда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,4 фоизга пасайганди. Мамлакат миллий статистика институти таҳлилларига қараганда, иккинчи чоракда аҳвол бир оз ижобий томонга ўзгарган ва ушбу кўрсаткич 0,1 фоизни ташкил қилган. Шунга қарамай, айрим экспертлар хулоса чиқаришга ҳали шошилмаслик кераклигини таъкидлашмоқда. Чунки айни пайтда Испанияда ишсизлик даражаси 26 фоизга тенг бўлиб турибди. Бу Европадаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

### Натижалар ижобий

*Дунёнинг бир қатор давлатларида ўз савдо дўконларига эга бўлган "Carrefour" компанияси ярим йилликни мўмай даромад билан якунлади.*

Аниқроғи, муассаса ушбу даврда 766 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб олишга эришди. Бунда унинг Франциядаги дўконларида савдо ишлари анча юришгани муҳим аҳамият касб этди. Чунки умумий маблағ тушумининг 40 фоизи айнан маҳаллий истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келди.

Фаолиятидаги барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида "Carrefour" мутасаддилари маҳсулотлар нархини тушириш ва савдо мажмуаларини бугунги замон талабларига мос тарзда таъмирлашни режалаштирмоқда.

### 53 соат сувда

*АҚШлик Дайана Найад ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз Куба ва АҚШ ўртасидаги бўғоздан сузиб ўтган биринчи киши бўлди.*

У мазкур масофани забт этиш учун 53 соат вақт сарфлади. Дайананинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 35 кишидан иборат махсус гуруҳ уни қайиқлар ёрдамида кузатиб борди.

Дайана бунгача ушбу бўғоздан ўтишга 1978, 2011 ва 2012 йилларда ҳам уриниб кўрган. Аммо муваффақиятсизликка учраганди. Олтмиш тўрт ёшли аёл бу марра билан чегараланиб қолмоқчи эмас. У ҳозир Куба соҳилларидан АҚШнинг Флорида штатигача бўлган сув йўлини кечиб ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур масофанинг узунлиги 170 километрга тенг.

### Отлар қочиб кетди

*Мексикада ғаройиб ҳодиса юз берди. Бу ерда пойтахт Мехико полициясига тегишли 30 та от қочиб кетди. Воқеа уларни кўчириш чоғида содир бўлган.*

Манбага қараганда, отлардан бири юк машинасининг махсус тўсиғидан сакраб ўтиб, қоча бошлаган. Кейин эса унга бошқалари эргашган. Натижада бир киши тан жароҳати олди, 11 машинага зарар етди. Шаҳар маъмурияти зиён кўрган автомобиллар эгаларига товон пули тўланишини маълум қилди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

*Куни кеча Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртлари — ИИВ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида биринчи курс курсант ва тингловчиларининг қасамёд қабул қилиш маросимлари ўтказилди. Уларда ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар қатнашди.*

# Бурч ва садоқат масъулияти

Хусусан, ИИВ Академиясида ўтказилган тадбирда ички ишлар вазири Б. Матлюбов ва бошқалар эътироф этганидек, мазкур муассасада таълим жараёни янги давлат стандартлари, замонавий ахборот технологиялари, сўнгги педагогик услублар асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунда ушбу даргоҳда 30 га яқин фан доктори ва 80 га яқин фан номзоди хизмат қилаётган 24 та кафедра самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунга мос ҳолда инновацион педагогик технологиялар, одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш, криминалистик тадқиқотларни ўрганиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс марказлари тингловчиларни ҳар жиҳатдан малакали кадрлар сифатида тарбиялашда муҳим омил бўлаётир. Айни чоғда 16 турдаги жиноятни тергов қилиш, очиш, уларнинг олдини олишга ихтисослаштирилган криминалистик полигони ҳамда намунали милиция таянч пункти тингловчи ва курсантлар билимларини бойитишда қўл келаяпти.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами кенг нишонланаётган кунда қасамёд қилиш бизга катта қувонч ва фахр бағишлайди, — дейди 1-курс тингловчиси Б. Ғиёсов. — Негаки, халқимиз эришган ютуқлар замирида Мустақиллик деган тушунча мужассам. Шу боис Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраш ва уни янада мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратимизни, билимимизни сарфлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман. Бунинг учун, энг аввало, бу ерда яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, билим ва маҳоратимни ошириш орқали Ватанимиз учун садоқатли хизматчи бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қиламан.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни баркамол инсонлар сифатида тарбиялаш, уларга дунё талабларига мос даражада билим бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таъкидланди. Мазкур мактабда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, соҳага янги педагогик технологияларни татбиқ қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Ҳозирги кунга келиб, бу ерда ўтиладиган фанлар бўйича электрон маъруза матнлари ишлаб чиқилиб, улар замонавий слайд, чизма ва диаграммалар билан бойитилмоқда. Яқинда электрон кутубхона ишга туширилди. Айни чоғда муассасада олиб борилаётган илмий тадқиқотларни амалиётга татбиқ қилиш изчил давом эттирилмоқда. Шу пайтгача 15 дан ортиқ тавсия ва норматив актлар лойиҳалари амалиёт идораларига берилди, 20 дан зиёд ихтироларга патент олинди.

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳар қандай кишини қувонтиради, — дейди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи, подполковник Д. Баҳранов. — Шаҳар ва қишлоқларимиз йилдан-йилга чирой очмоқда. Буларнинг барчаси меҳнаткаш халқимизнинг интилишлари самарасидир. Табиийки, ушбу бойликни асраб-авайлаш, аниқроқ айтадиган бўлсак, уларни турли хатардан, хусусан, ёнғиндан сақлаш ўт ўчирувчидан катта меҳнат, жасорат ва фидойилик талаб этади. Билим юртимизда ана шундай фазилатларга эга соҳа ходимларини тайёрлаб келаяпмиз. Бугун қасамёд қабул қилаётган ёшлар ҳам вақти келиб ўз соҳасининг пешқадамлари бўлиб камолга етишларига ишонаман. Улар кўзида порлаб турган учқун, билим юртида шаклланган анъаналар ана шундай дейиш учун асос бўлади.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида уюштирилган тадбирда бу ерда ички ишлар идоралари ҳамда Қуролли Кучлар хизматига ҳар томонлама муносиб, Ватанга садоқатли, мард ва жасур кадрларни тарбиялаш бўйича катта тажриба тўплангани алоҳида айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, билим юртида 5 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланиб, ўқув жараёни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилган.

— Ўғлим болалигидан ҳарбий бўлишга қизиқади, — дейди курсант А. Асхўжаевнинг онаси Б. Азаматова. — Билим юртида курсантларга яратилган шарт-шароитларни кўриб, рости, ҳавасим келди ҳамда ўғлим ана шундай шарафли касбни танлаганидан бошим кўкка етди.

Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги табрик сўзида мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир, деб алоҳида таъкидлади. Албатта, бундай улкан вазифани муваффақиятли адо этишда ички ишлар идоралари ходимлари ва ҳарбийларнинг ўзига яраша ҳиссаси бор.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

**Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси**



**моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Ушбу таклифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.**

Маълумот олиш учун **(8-371) 241-41-06** телефони орқали **соат 10.00 дан 18.00 га** қадар мурожаат қилиш ёки тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (8-371) 244-31-39.**

1278R/755

**«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

***2013 йил 20 сентябрь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:***

*Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 12 июндаги 618, 623, 624, 626, 627, 628, 629, 636, 638-сонли ва 2013 йил 9 апрелдаги ижро варақаларига асосан, Кегейли ва Тахтакўпир тумани СИБ томонидан хатланган, Кегейли тумани «Халкабад мамыгы» АЖда вақтинча сақланаётган:*

* «СЗУ-3.6» русумли дон сеялкаси.
Бошланғич баҳоси — 2 106 081 сўм.
* «ВТ-150» русумли трактор.
Бошланғич баҳоси — 19 134 500 сўм.
* 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Клаас Доминатор-204» русумли комбайн, давлат рақами 05-68 ЕГ.
Бошланғич баҳоси — 39 366 000 сўм.
* Пахта сеялкаси.
Бошланғич баҳоси — 1 185 573 сўм.
* «ОКМ» русумли культиватор.
Бошланғич баҳоси — 1 928 934 сўм.
* «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси.
Бошланғич баҳоси — 2 106 081 сўм.
* «РМИ» русумли ускуна.
Бошланғич баҳоси — 875 238 сўм.
* «ОБХ» русумли ускуна.
Бошланғич баҳоси — 3 222 763 сўм.

Кегейли тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2121» русумли автомашина, давлат рақами 23 Е 8047.

Бошланғич баҳоси — 2 952 450 сўм.

Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА НЕКСИЯ СНГ» русумли автомашина, давлат рақами 95 R 170 АА.

Бошланғич баҳоси — 18 225 000 сўм.

Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 328-О/Х-12, 329-О/Х-12, 330-О/Х-12, 332-О/Х-12-сонли ижро варақаларига асосан, Хўжайли тумани СИБ томонидан хатланган, Хўжайли тумани, «Сарышунгул» ОФЙда вақтинча сақланаётган:

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Беларусь 80Х» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-65.
Бошланғич баҳоси — 21 222 100 сўм.
* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Беларусь 82.1» русумли трактор, давлат рақами НЕ 56-80.
Бошланғич баҳоси — 25 466 128 сўм.
* 2011 йилда ишлаб чиқарилган погрузчик, «XCMG» русумли Хитой трактори, давлат рақами НЕ 56-81.
Бошланғич баҳоси — 94 478 400 сўм.
* 1995 йилда ишлаб чиқарилган «МАЗ-54329» русумли автомашина, давлат рақами 95 199 НАА.
Бошланғич баҳоси — 23 339 100 сўм.

*Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро ФИБ судининг 2013 йил 19 мартдаги ижро варақасига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Тўрткўл филиалида вақтинча сақланаётган:*

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган «ДОНГ ФЕНГ» русумли автомашина, давлат рақами 95 D 638 ВА.
Бошланғич баҳоси — 17 840 000 сўм.
* 1988 йилда ишлаб чиқарилган «Енисей 1200Р» русумли комбайн, давлат рақами 76-82 ЖУ.
Бошланғич баҳоси — 81 712 100 сўм.

*Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 23-1307/2074(17)-сонли суд буйруғига асосан, Беруний тумани Бройлер фабрикаси аҳоли пунктида вақтинча сақланаётган:*

* 1989 йилда ишлаб чиқарилган «АЦ 4,8 3613 ГАЗ-53» русумли автомашина, давлат рақами 80-11 КПМ.
Бошланғич баҳоси — 3 739 500 сўм.
* 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-5312» русумли автомашина, давлат рақами 93-51 КПМ.
Бошланғич баҳоси — 1 335 600 сўм.
* 1990 йилда ишлаб чиқарилган «М 37161 ГАЗ-53» русумли автомашина, давлат рақами 16-92 КПН.
Бошланғич баҳоси — 1 082 700 сўм.
* 1990 йилда ишлаб чиқарилган «МПР 9924 ГАЗ-52» русумли автомашина, давлат рақами 04-89 КПН.
Бошланғич баҳоси — 752 400 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 7 октябрь куни бўлиб ўтади.

2013 йил 7 октябрь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Амударё ва Тахтакўпир туманлари СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Амударё тумани ЖИБ судининг 2013 йил 29 июлдаги 1-134-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Амударё тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia GLE» русумли автомашина, давлат рақами 95 U 878 АА.

Бошланғич баҳоси — 19 800 000 сўм.

Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2013 йил 25 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-469Б» русумли автомашина, давлат рақами 95 Е 360 ВА.

Бошланғич баҳоси — 6 300 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 22 октябрь куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 20 сентябрдаги савдога 18 сентябрь, 7 октябрдаги савдога 3 октябрь ва 22 октябрдаги савдога 18 октябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилингани ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўловлар олинади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.**

**Гувоҳнома № 004059.**

1503А/870

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 7027-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, В. Қодиров кўчасидаги 235-уй.

***Бошланғич баҳоси — 62 928 202 сўм.***

**2.** Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Султонровод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 85 349 380 сўм.***

**3.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 26 декабрдаги 1-347/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Регистон 6-тор кўчасидаги 20-уй.

***Бошланғич баҳоси — 1 166 716 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**4.** Қибрай тумани СИБ томонидан 12277/8-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, «Реставратор» БУШ ҳудудидаги 22-дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда, соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor Garant Business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.**

1500R/380

*Лицензия: RR-0052.*

**«НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»**

***давлат корхонаси***

**2013 — 2014 йил қиш-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жамғариш мақсадида 2013 йил кузги сабзавотлар ҳосилидан давлат стандартларига жавоб берадиган қуйидагиларни:**

***пиёз, картошка, сабзи, қизил лавлаги, карам***

**сотиб олиш учун танлов эълон қилади.**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
***Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй.***
***Телефонлар: (8-436) 22-77-871, 22-77-868.***
***Факс: (8-436) 22-78-432.***

1501А/111

**«SN INVEST» компанияси**

**қуйидагиларни етказиб беради:**

- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



*Маҳсулот сертификатланган.*

**Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz**

87R/43

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

GidroSpetsKrovlya

**наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:**

**ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ** *собственного производства на стеклотканой основе.*

**Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.**




ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.**

504R/44

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ноёб завод Истиқлол мўъжизаларидан яна бири, десак, айни ҳақиқат. Бунинг учун барча асослар етарли, албатта. Эътибор қилинг, жаҳонда калий ўғитлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган жами 14 та завод мавжуд бўлса, шулардан бири Ўзбекистонда жойлашган! Энг асосийси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида тайёрланаётган маҳсулот сифати жиҳатидан улар орасида етакчи ўринларда турishини соҳа мутахассислари аллақачон тан олган. Чунки бошқа заводларда ишлаб чиқарилаётган ўғит таркибида

ни кўз олдингизга келтириш кифоя. Негаки, авваллари қишлоқ жойларда инфратузилма тармоқлари, коммуникация тизими деярли ишламас эди. Ҳозир-чи? Қишлоқлар шаҳарларга бўйлашиб, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолига юқори даражадаги турмуш шароити яратилган. Бунга Президентимизнинг ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида замонавий қишлоқ массивлари барпо этишга киришилгани туфайли эришилмоқда.

Ўтган йиллар давомида вилоят бўйича шаҳардагидек қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинган жами 2510 та уй-жой қурилиб, ўз соҳибларига "калити билан" тайёр

филактика муассасалари қурилиб, мавжудлари қайта реконструкция қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда 114 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 210 дан зиёд мактабнинг муҳандислик инфратузилмаси капитал реконструкция қилинди ҳамда бир қанча мактаблар жорий таъмирдан чиқарилиб, мебель ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Умуман, Истиқлол йилларида 222 та



### Қашқадарё вилояти:

# ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ

калий улуши 32-35 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистон маҳсулотида мазкур кўрсаткич 60 фоизга тенгдир. Бу албатта, "Тепақўтон" конидаги сильвинит рудасининг ноёблиги ва хом ашёнинг замонавий технологиялар ёрдамида чуқур қайта ишланиши билан изоҳланади.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу саноат мажмуасининг лойиҳавий қуввати йилига 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Жорий йилда корхонанинг пойдевор қўйилган иккинчи навбати қурилгач, унинг қуввати ҳозиргидан икки баробар ошиб, 400 минг тоннага етиши кутилаяпти. Шу мақсадда 2,1 миллион тонна сильвинит маъдани қазиб олишга мўлжалланган тоғ-кон мажмуалари ҳам барпо қилинаётир.

#### Дориламон кунлар шукронаси

Истиқлол эпкини қишлоқ жойларига ҳам янгича ҳаво олиб кирди. Буни яққолроқ тасаввур қилиш учун бундан йигирма йиллар олдинги қишлоқ манзараси-





ҳолда топширилди. 2013 йилда эса яна 1050 та ана шундай замонавий уй бунёд этилмоқда. Амалга оширилаётган шу каби ислоҳотлар, аввалambор, инсон учун, унинг манфаатлари, фаровон ҳаёти ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, улкан бунёдкорлик, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимларида ҳам изчил давом эттирилаётир. Натижада янги мактаблар, боғчалар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган даволаш-про-

янги мактаб қурилди, 316 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 137 та коллеж ва 7 та академик лицей барпо этилди.

Фарзандларимизнинг маънан етук, баркамол бўлиб улғайишида спортнинг ўрни бўлакча. Шу боис ёшларни спортга жалб этиш, чекка ҳудудларда ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этиш масаласи доимий диққат-эътиборда турибди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе, Ғузор туманидаги Чаноқ, Қамаши туманидаги Чим, Косон туманидаги Гувалак, Миришкор туманидаги Авазчўл қишлоқларида, Яккабоғ туманидаги Эски Яккабоғ қўрғончасида замонавий типдаги спорт комплекслари ҳамда спорт иншоотлари қурилиб, ёш авлод ихтиёрига берилгани қувонарли ҳол, албатта. Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, инвестиция дастурига асосан, вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмачилигида 120 дан ошиқ объектда қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилмоқда.

Мустақиллик байрами шукуҳи кезиб юрган айни кунларда қайси шаҳар ёки қишлоқда бўлманг, тадбиркорлар томонидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилган замонавий савдо дўконларию маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тўйхонаю ресторанлар, дорихонаю шифохона биноларига, бири-биридан кўркам иморатларга кўзингиз тушади. Бинобарин, мустақиллик туфайли тадбиркорлар ва ишбилармонлар синфи вужудга келиб, улар ҳудудлар иқтисодий юксалишида муҳим роль ўйнаяпти. Ҳозирги пайтда вилоятда 47374 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлиб, соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 44,2 фоизни ташкил этмоқда.

Тўқимачилик ва енгил саноат ҳам мустақиллик йилларида жадал ривожланиш сари юз бурди. Айтайлик, бундан йигирма йил муқаддам вилоятда атиги 7 та енгил саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 350 тадан ошиб кетди. "Cotton Road", "Оқсарой-текстиль", "Яккабоғтекс", "Ҳумотекс", "Қамаши ХБК" каби қатор йирик корхоналар шулар жумласидан бўлиб, бу ерда нафақат калава ип, балки трикотаж матолари ҳамда тайёр буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

#### Ягона оила бағрида

Айни пайтда вилоятда 30 дан ошиқ миллат ва элатлардан иборат 2 миллион 800 минг нафарга яқин аҳоли аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг яратувчанлиги, фидойи меҳнати туфайли Қашқадарё воҳаси кун сайин чирой очиб, шаҳару қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Янги корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, кенг ва равон йўллар, сўлим хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида бундай эзгу ишлар янада кенг қулоч ёйди. Вилоят маркази — Қарши шаҳрида кўчалар атрофлари, ташкилот ва идоралар, тураржой бинолари олдилари, боғ ва хиёбонлар, барча ҳудудларга анвойи гуллар экилдики, улар бугун шаҳар кўркига янада ажиб тароват бахш этмоқда. Марказий кўчалар атрофларидаги жами 73 гектар майдонда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган гладиолус, питуния, котарантус, софран, тун гўзали, қуёш гули, кан каби 20 дан ортиқ турдаги гуллар, шунингдек, ипак акация, ҳинд настарини, каштан, япон сафораси, қарағай, арча каби манзарали дарахтлар парваришланмоқда.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси, жамиятимизнинг ҳеч бир аъзоси йўқки, ҳаётида Истиқлол тухфаси, унинг ҳаётбахш таъсири из қолдирмаган бўлса. Бинобарин, мустақиллик бизга тинч ва осуда ҳаёт кечириш, тўкин ва фаровон умргузаронлик қилишдек бахтни берди. Шундай фараҳбахш кезларда Ватан мустақиллиги, эрк ва озодликдан устун турадиган ҳеч қандай қадрият, ҳеч қандай неъмат йўқлигига бот-бот иқрор бўлаверасан, киши.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт

*Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.*

### Каноэчимизнинг навбатдаги муваффақияти



Дунёнинг етмишдан зиёд давлатидан бир ярим минг нафардан ортиқ спортчи қатнашган мазкур мусобақада ҳамюртимиз Вадим Меньков ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Маҳоратли спортчимиз каноэда эшкак эшиш бўйича 500 метр масофага ўтказилган пойгада маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Вадим бунгача жаҳон чемпионатларида иккита олтин ва иккита бронза медалига сазовор бўлган эди.

### Шахматчиларимиз — Осиё чемпиони

*Шри-Ланкада шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида давом этаётган Осиё чемпионатида 14 давлатдан тўрт юз нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун баҳс олиб бораяпти.*

Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам муносиб қатнашишмоқда. Хусусан, чемпионат дастуридан ўрин олган тезкор шахмат (рапид) бўйича Дилбар Ҳамроева ўн бир ёшгача бўлган қизлар ўртасида мағлубиятга учрамаган ҳолда, етти имкониятдан 6,5 очко тўплаб, олтин медални қўлга киритди. Худди шу ёш тоифасида ўғил болалар мусобақасида Шамсиддин Воҳидов ҳам Осиё чемпиони бўлди.

Ҳамюртларимиздан Ортиқ Неъматов ва Хожиакбар Фозилжонов қитъа биринчилигининг кумуш медаллари билан тақдирланди.

Энди ёш шахматчиларимиз швейцарча усулда тўққиз турдан иборат классик шахмат бўйича ўз имкониятларини синаб кўришмоқда.

### Денис нимчорак финалда

*Шу кунларда Нью-Йорк шаҳрида теннис бўйича "Катта дубулға" туркумига кирувчи йилнинг энг йирик тўрт турниридан бири — АҚШ очиқ чемпионати бўлиб ўтмоқда.*

Унда мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткачиси Денис Истомин ҳам совринли ўринлар учун курашмоқда. Ҳамюртимиз турнир давомида дастлаб испаниялик Николас Алмагро, кейин эса германиялик Тобиас Камкени мағлубиятга учратди. Нимчорак финал йўлланмаси учун кечган беллашувда эса Денис италиялик тажрибали спортчи Андреас Сеппидан устун келди.

Шу тариқа навбатдаги босқичга йўл олган вакилимиз жаҳоннинг учинчи ракеткаси Энди Маррэй (Буюк Британия)га қарши баҳс олиб боради. Бу икки теннисчи ўртасидаги беллашув бугун бўлиб ўтади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Сурхоннинг ноёб қамиши

*Дунёда қамишнинг минглаб турлари бор. Бироқ деновлик мусиқа асбоблари устаси Сулаймон Илясов жаҳондаги энг ноёб қамиш фақат Сурхон воҳасида ўсади, деган қатъий фикрда.*

НАЗАР

— Ҳар қарич ери олтинга тенг бўлган Сурхондарёнинг ҳатто, қамишлари ҳам жуда ноёб, — дейди у. — Ҳаётим давомида ҳали бирор жойда воҳадагидек қуёш нурига тўйинган пишиқ қамишни учратганим йўқ. Айниқса, жанубда — Жарқўрғон ва Термиз туманларидаги кўлларда ўсадиган бундай ўсимликлардан ясалган "тилча"лар сурнай ва кларнетни булбулдек сайратиб юборади. Яна бир сир-синоат шундаки, воҳа қамишлари созга айланганда, улардан майин ва гўзал садолар таралади. Шунинг учунми, аксарият моҳир созандалар мусиқа асбобларига фақат Сурхондарё қамишидан "тилча"лар ясаб беришимни илтимос қилишади.

Уста Сулаймон Илясовни воҳаликлар ва қўшни давлатлар санъаткорлари яхши билади. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетини кларнет-мусиқачи мутахассислиги бўйича тамомлаган. Қарийб 21 йилдирки, Денов туманидаги 21-мактабгача таълим муассасасида ишлаб, болажонлар қалбида мусиқага меҳр туйғусини уйғотиб келмоқда.

— Самарқанд, Бухоро ва бошқа кўплаб тарихий шаҳарларимиздаги қадимий обидалар пойдевори ўрнига қамиш тўшалганлиги боис, бу неъмат иморатларнинг умрини боқий қилади, — дейди Сулаймон Илясов. — Яқин-яқингача ҳам қамишлар том устини ёпишда ишлатиб келинган. Айни пайтда эса ундан черепица тайёрлаш технологияси ўзлаштирилмоқда.

Дарвоқе, Сулаймон ака нафақат тажрибали педагог, балки моҳир созанда ҳамдир. У катта концерт-гастролларда кларнет-мусиқачи сифатида қатнашиб келади. Бўш пайтларида эса турли мусиқа асбобларини сифатли таъмирлайди. Шу боис ҳозир юртимиздаги таниқли санъаткорлар Сулаймон акага тез-тез мурожаат қилиб туришади. Ҳатто, Ўзбекистон давлат консерваториясидаги кўплаб созларни таъмирлашга ҳам унинг хизмати сингган.

Жаннатмонанд юртимизда Истиқлол нуридан баҳра олиб ўсаётган ҳар бир гулу гиёҳ ноёб ва қадрлидир. Буни эса Сулаймон Илясов сингари фидойи, жонкуяр ва юртпарвар инсонларгина тез илғашади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• Эълон •

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

**Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишлаб, 2013 йил 28 август куни «Шодиёна» деб номланган муддатли омонат ҳисоб рақамига эга бўлган мижозлар орасида пулли ютуқлар тиражини ўтказди. Тираж натижаларига кўра, жами 79 нафар банк омонатчиси умумий суммаси 39 миллион сўм бўлган пул ютуқларига сазовор бўлди.**

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

*Хизматлар лицензияланган.* www.nbu.com

1495А/382


САЛОМАТЛИК

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Хива туманидаги "Исломхўжа" қишлоқ врачлик пункти янги бинога эга бўлди.*

## ҚВПнинг янги биноси

Мазкур иншоотни бунёд этиш учун давлат бюджетидан 450 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Айни пайтда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ушбу муассаса 6 минг 700 нафардан ортиқ қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш муассасаларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, йил охиригача ҳудудда яна 3 та ҚВП қурилиб, фойдаланишга топширилади. Шунингдек, вилоят Онкология диспансери, 5 та туман тиббиёт бирлашмаси биноларида реконструкция ишлари ниҳоясига етказилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири Абдулла Айизовга турмуш ўртоғи **Манзура БЕКМУРОДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5